

11

**“ГИДРОИНГЕО” институти ДМ
директорига Бимурзаеву Г.А.**

**“ГИДРОИНГЕО” институти ДМ да 2026 йил 1 чоррак даврида
коррупцияга қарши амалга оширилган ишлар юзасидан
ХИСОБОТ**

Сўровингиз бўйича маълум қиламизки, ГИДРОИНГЕО институти ДМ коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилган ишлар юзасидан қуйдагилар ўтказилган:

1. Коррупцияга қарши чора-тадбирлар Дастури ижроси тўғрисида

Манфаатлар тўқнашуви мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотларни институт ходимлари томонидан 157 декларациялаштирилди.

Ходимларнинг декларация ва шахсий анкеталар асосида 13 ходим бирига ўзаро яқин қариндош аниқланди, бундан ташқари, Тоғ-кон саноати ва геология Вазирлик тизимости корхоналарида уларнинг 13-та яқин қариндошлари ишлаб келмоқда (жами – 13 ходимни яқин қариндошлиги мавжуд). Шуларнинг 11 нафарида эхтимолий манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги, 2-та ходимни мавжуд манфаатлар тўқнашуви ҳолати аниқланган.

ГИДРОИНГЕО коррупцияга қарши ички назорат бўлими томонидан Институт ходимлари орасида эхтимолий манфаатдорлиги мавжудлигини инобатга олиб ва 1-та ходимнинг мавжуд манфаатлар тўқнашуви ҳолати қайд этилганлиги муносабати билан ва манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик юзасидан бу ходимлар билан индивидуал суҳбат ўтказилди.

Шу билан бирга, “Коррупцияга қарши курашиш тизимининг вазифалари ва ҳуқуқий омиллари”, “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонун, “Бир жамоада яқин қариндошларнинг иши. Ижобий ва салбий томонлари” мавзусида тақдимот ва давра суҳбатлар ўтказилди.

“Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ходимлари учун Эслатма” №1-2 (давлат органи ходимининг фаолиятида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича чекловлар тўғрисида) буклетларни ГИДРОИНГЕО ходимларига тарқатилди.

Институтнинг ёшлар билан ишлаш, маънавият-марифат бўлими ва раҳбарияти иштироқида ўтказилган йиғилишларда коррупцияга қарши курашиш тўғрисида қонун, фармон, қарор ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таништириш билан бирга коррупцияга қарши курашишда оид тайёрланган материаллар намоиш этилиб, “Ёшлар ўртасида жинойтчилик ва ҳуқуқбузарликни олдини олиш” мавзусида суҳбатлар ўтказилди.

ГИДРОИНГЕО институти ДМ телеграмм каналида ходимлар учун ўтказилган тадбирлар тўғрисида фотосуратлар ва қисқача маълумот чоп этилди. Шу билан бирга Коррупцияга қарши курашиш Агентлиги томонидан Адлия Вазирлиги ва Ҳуқуқни муҳофиза қилиш Академияси билан ҳамкорликда манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш билан боғлиқ энг муҳим масалаларни камраб олган маълумотлар

электрон шаклда ГИДРОИНГЕО нинг телеграмм каналида ходимлар учун етказиб турилди.

Институтга ишга кирган янги ходимларнинг манфаатлар тўқнашуви мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотларни декларациялаш, уларга коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қисқача тушунчалар, Одобр-ахлоқ қоидалари, ички тартиб қоидалари ва коррупцияни олдини олиш бўйича салбий ҳолатларга йўл қўймаслик юзасидан профилактик суҳбат ўтказилиб, уларнинг ҳар бири оғохлантириб борилмоқда.

2. Коррупцияга қарши курашиш соҳасида қабул қилинган ички меърий ҳужжатлар, уларни янги қабул қилинган нормаларга мувофиқлиги ҳамда улар билан ходимларнинг танишганлик ҳолати бўйича

Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг 2024-йил 14-ноябрь 144-сонли буйруғи ижросини таъминлаш тўғрисида МРИ директоринг 29 ноябрь 2024 й. 239-п-сонли буйруғи асосида меърий ҳужжатларни 18-илова тасдиқланди ва тегишли ходимлар таништирилди.

81-сон қарор асосида “ГИДРОИНГЕО директорининг коррупциявий хавф-хатарлар (ISO 37001:2025 4.5. банди асосида) Харитаси”, “ГИДРОИНГЕО Юқори даражадаги коррупциоген хавф-хатарларни камайтириш бўйича чора-тадбирлар Режаси”, “ГИДРОИНГЕО 2024 й. давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга ошиладиган чора-тадбирлар Дастури”, “ГИДРОИНГЕО коррупция хавф-хатарига энг кўп мойил бўлган ходимларни коррупцияга қарши курашиш бўйича таёрлаш ва қайта таёрлашга оид махсус ўқув Дастури”, “ГИДРОИНГЕО ходимларида коррупцияга нисбатдан муросасиз муносабатни шакллантириш, уларни ҳуқуқий онгини ва маданиятини юксалтириш мақсадида режалаштирилган (ISO 37001:2025 7.3 банди асосида) тадбирлар Иш Режаси” кўшимча кўриб чиқилди ва тузатилишлар киритилди.

3. Коррупцион хавф-хатарлар харитаси тузилганлиги ва “Юқори” даражадаги хавфларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар Дастури ишлаб чиқилганлиги ва уни натижалари

Тижоратлантириш ишлари бўйича директор ўринбосари, Институтнинг илм-фан ва илмий фаолияти, Ер ости сув хомашё базасини ривожлантириш, Иқтисодиёт ва молиялаштириш бўлими, Бухгалтерия ҳисоби бўлими, Давлат харидлари бўйича маъсул шахслар йил давомида режа чора-тадбирларни бажариш бўйича ишлар олиб боришди, устидан услубий назорат қилиб тартибга солиш, меърий ҳужжатлар ижросини кузатув ўтказилди.

Бухгалтерия ҳисоби бўлими, Давлат харидлари бўлими (харидлар бўйича 1 тоифали агент) ГИДРОИНГЕО коррупциявий хавф-хатарлар (ISO 37001:2025 4.5. бандига асосан) Харитаси бўйича ўтказилган чора-тадбирлардан сўнг даражадан “Ўрта”-4 ва “Паст”-12 даражага ўтказилди.

Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими режага мувофиқ чоралар ўтказилди. Шу билан бирга, Институтда вакант лавозимлар ҳақида ҳар ойнинг 30 санасигача Вазирлик ва “mehnat.uz” электрон

платформасига хисобот берилади. Вакант лавозимлар тўғрисидаги маълумотни “hrm.argos.uz” электрон платформасига ўтказиш ишлари имкон бўлмади, бу тизим фақат давлат муассасаларига мулжалланган (ГИДРОИНГЕО ДМ ишни ташкил этиш учун қисман ўзини-ўзи таъминлайдиган (частичную хозрасчетную основу организации труда) асосига эга).

Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими, Юридик бўлим (юристоконсулт ёрдамчиси) ва Автогараж бўлими ГИДРОИНГЕО коррупциявий хавф-хатарлар (ISO 37001:2025 4.5. бандига асосан) Харитаси бўйича ўтказилган чора-тадбирлардан натижасида хавф-хатар кўрсаткичи “Ўрта” даража қолди.

4. Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан маълумот

Ходимларнинг урганилиш даврида “Гидрогеология ва муҳандислик геологияси институти” ДМнинг 6 нафар ходимлари тадбиркорлик субъектларида ўз улушига эга ёки унда раҳбар лавозимларида ишлаши маълум бўлди. Хусусан, **Дадажонов Бобуржон Ботирович** “B And Ab Group” МЧЖда 100% таъсисчи ва раҳбарлиги, **Мавлянов Гани Наримонович** “Sharq Trans Servis” МЧЖда 35,9% таъсисчи ва “Zamzam Tour” МЧЖда 100% таъсисчи, **Мирахмедова Махсума Фаридовна, Турсунов Жамолiddин Камалитдинович** якка тартибдаги тадбиркор, **Мирсаатов Алишер Миртурсунович**, “Namkor” МЧЖда 15% таъсисчи, **Назаров Аскар Фаттахович**, “Geospetsmash” МЧЖда 100% таъсисчи, “Chinobod-Nazarov Ibratli Vog'i” фермер хужалигида 100% таъсисчилиги ва раҳбарлиги маълум бўлди.

Юқорида курсатилган ходимларни қиска муддатларда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ҳамда “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонунлари талабларига мувофиқ ходимларда манфаатлар тўқнашуви предметини бартараф этилди.

Хисобот даврида қоидабузарлик ҳолатлари булмади.

5. Барча тузилган шартномалар, шу жумладан меҳнат шартномаларига коррупцияга қарши бандлар қўшилганлиги тўғрисида

Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими томонидан хисобот даврида 3 янги ходим ўрганилиб ишга қабул қилинди.

Институтга қабул қилинган янги ходимлар Меҳнат шартномасида коррупцияга қарши курашиш бўйича қонун ва меърий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этилишини таъминлаш, “Одоб-ахлоқ Кодекси”, “Манфатлар тўқнашувини бошқариш бўйича Низом”, “Совға бериш ва қабул қилиш сиёсати”га тўлиқ амал қилиш; пора бериш ёки пора олишда воситачилик қилиш, улардан моддий ёки номоддий наф олиш, ташаббус кўрсатиш, руҳсат ёки ваъда беришдан тийилишига мажбурлиги; иш жараёнида маълум бўлган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида Коррупцияга қарши курашиш бўлимига ёки

бевосита рахбарига зудлик билан хабар бериш туғрисида алоҳида 3.2 бандларида кўрсатилган.

6. Харидлар жараёни, уларни амалдаги қонунчиликка мувофиқлиги, ўрганилган контрагентлар сони, мазкур йўналишда аниқланган ҳолатлар

Институтда харидларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом талабларига риоя қилиш, меъёрий ҳужжатлар ижросини таъминлаш, шартномалар тайёрлаш, келишиш ва тузиш ишларини самарали ташкил этиш мақсадида, энг қулай ва мақбул шартларда шартномалар тузиш ва бажарилиши, шунингдек, турли салбий ҳуқуқий ва молиявий оқибатларнинг олдини олишни махсус комиссия ва коррупцияга қарши ички назорат бўлими томонидан томонидан доимий назорат қилинди.

Шартнома бўйича тарафларнинг ўз мажбуриятларини бажармаслик ва қонунни бузиш ҳолатлари аниқланмади.

7. Ходимларга берилган ёки олинган совгалар, пул мукофотлари ва қўшимча устамалар ҳамда фуқороларни ишга олиш ва харидлар жараёни амалдаги қонунчилик ва ички меъёрий ҳужжатларга мувофиқлиги юзасидан ўтказилган мониторинг натижасида аниқланган камчиликлар ва кўрилган чоралар тўғрисида

Жорий йил давомида амалга оширилган харидлар жараёни, ходимларга берилган ёки олинган совгалар, пул мукофотлари ва қўшимча устамалар юзасидан йил давомида кузатилди ва назорат қилинди.

Натижада ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланмади.

8. Хисобот даврида алоқа каналлари орқали келиб тушган мурожатларни кўриб чиқиш натижалари, институтда ўтказилган назорат тадбирлари ва тартиб-томилларнинг бажарилиш ҳолати

Йил давомида ГИДРОИНГЕО га алоқа каналлари орқали мурожатлар келиб тушмаган.

9. Аниқланган қоидабузарликлар ва маданиятини юксалтириш ҳамда коррупцияни олдини олишга қаратилган профилактик тадбирлар

“Манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича Низом” талабларига мувофиқ декларация тўлдирилди. Бундан ташқари, ходимларга Институтнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасида қабул қилинган ички меъёрий ҳужжатлар (18-илова) бўйича ҳамда мазкур бўлим режалаштирилган Дастурга мувофиқ чора-тадбирлар ўтказилади ва Коррупцияга қарши курашиш телеграм сайтига жайлаштирилди <https://dev.hydroengeo.dynamicsoft.uz/ru/anti-corruption>.

Институт ходимлар орасида ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамоада коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга доир чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш, очиқлик ва шаффовлик, рақобат ва холислик ҳамда коррупцияга йўл қўймаслик принципларига риоя қилиниши, коррупцияни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этишга ва олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар амалга ўтказилиши давом этмоқда.

Бу йўланишда коррупция тушунчаси, мазкур соҳадаги қонунчилик талбалари, коррупциявий ҳаракатлар учун жавобгарлик тўғрисидаги маълумотларни етказиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш соҳасида ходимлар ҳуқуқий маданиятини ошириш ва хулқ-атворини шакллантириш мақсадида Коррупцияга қарши курашиш (комплаенс - назорат) етакчи мутахассиси томонидан бажарилган (ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари иштирокида тренинглари ўтказиш назарда тутилган, аммо оширилмаган).

10. Институтда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва чек қўйиш, оқибатларини, шунингдек ушбу иллатларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича таклифлар

- Институтнинг ходимлари Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида бир хил умумий тушунчаларга эга бўлиш учун, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари иштирокида Тоғ-кон саноати ва геология Вазирлиги томонидан марказлаштирилган семинарлар 2026 й. режа асосида ўтказишни ташкил қилиш;
- Тоғ-кон саноати ва геология Вазирлиги муассасаларидаги коррупцияга қарши курашиш етакчи мутахасслари билан бухгалтерия ҳисоби ва харид жараёнини назорат қилиш, Мониторинг жараёнини ўтказиш бўйича амалий машғулотлар ўтказиш;
- Бугунги кунда коррупция ва экстремизм Марказий Осиё давлатларида кенг қўламли хусусият касб этиб, катта ижтимоий-иқтисодий зарар келтирилишини инобатга олган ҳолда, ислом динига амал қилган ходимларнинг намунали хулқатвори (ҳамда иш хонада намоз ўқимаслиги, иш пайти Жума намозга қатнашиш тавсия этилмаслиги), диний оқимлар, диний экстремизм, терроризм тушунчаларини ва оқибатларини етказиш учун диний вакил ва ҳуқуқни муҳофоза қилувчи органи ходимлар билан биргаликда “Коррупция ва экстремизм – миллий хавфсизликга асосий таҳдид сифатида” мавзусида тақдирот ёки давра суҳбати ўтказишни 2025 й. 4-чи чорагида ташкил қилиш.

Коррупцияга қарши курашиш тизимини
етакчи мутахассиси



С.Э.Махсуддинов